

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2015-yil 25-fevral, chorshanba № 16 (15862)

СОҒЛОМ БОЛА — ЖАМИЯТ КЎРКИ, МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Президентимиз Ислон Каримов раислигида 24 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Жамғарма томонидан амалга оширилган ишлар, унинг фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари ҳусусида атрофлича фикр юритди.

— Болалар спортини ривожлантириш, шу орқали уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилгани ҳар жиҳатдан тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди, — деди Президентимиз. — Спорт одамларнинг оиласига, онгига кирди, турмуш тарзига айланди. Ота-оналар ўзлари болаларини спорт тўғрисида етаклаб келмоқда. Спорт билан шуғулланган ўғил-қизларимиз соғлом, бақувват ва қатъиятли бўлиб улғаймоқда, улар-

нинг дунёқараши ўзгармоқда. Бир сўз билан айтганда, халқимиз бу борада ҳам уйғонди.

Мамлакатимизда бу олижаноб мақсад йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилди ва изчил давом эттирилмоқда. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби йўналишлардаги ислохотлар бири-бирини тўлдириб, аҳоли саломатлиги ва ҳаёт сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Болалар саломатлиги бу борадаги ишларнинг энг муҳим босқичидир. Зеро, соғлом бола соғлом инсон бўлиб вояга етади. Руҳи тетик, тани бақувват, фикри тиниқ бўлади. Ўз олди-га қўйган мақсадларини амал-

га ошира олади. Ота-онасига, элу юртига наф келтиради.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ана шундай баркамол авлодни вояга етказишда муҳим ўрин тутмоқда. Жамғарма ташкил этилганидан буён мамлакатимизда 1700 дан зиёд спорт объектлари барпо этилди. Улар замонавий спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминланди. Бу, шубҳасиз, болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларимизнинг жаҳон майдонларида улкан ютуқларни қўлга киритиши, халқаро миқёсда Ватанимиз нуфузининг янада ошишига замин яратди.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури доирасида улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан,

278 болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Улар 30 мингдан ортиқ янги мусиқа асбоблари, 61 минг нусха ўқув қўлланмалари, миллий ва жаҳон мусиқаси ноталари билан таъминланди.

Ислон Каримов мусиқа ва санъат мактаблари куриш ишларини изчил давом эттириш, бунинг учун яхлит янги концепция ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидлади. Мусиқа ва санъат мактабларида миллий мусиқий меросимиз билан бирга, жаҳон мумтоз композиторлари ижодини ҳам ўрганиш кераклиги қайд этилди.

Жисмоний ва маънавий етулик — инсоннинг икки қаноти. Спорт танани чиниқтиради, иродани мустаҳкамлайди, мусиқа дидни тарбиялайди, маданиятни оширади. Спорт билан шуғулланган бола ўзига ишонади, санъатга ошно одамнинг дунёқараши кенг бўлади. Бундай ёшлар жамиятни бойи-

тади, ҳеч қачон адашмайди.

Соғлом бола йили — 2014 йилда бу борадаги ишлар қўлами янада кенгайди. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг ижроси аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни ривожлантиришда муҳим омил бўлди.

“Соғлом она — соғлом бола” лойиҳаси доирасида аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда, спортга кенг жалб этилмоқда. Бундай хайрли ишлар самарасида сўнгги ўн йилда ривожланишида туғма нуқсонли бўлган болалар сони 1,3 баробар камайди. 6–15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли касалликлар билан оғриш 34,4 фоизга, пневмонияга чалиниш 49,7 фоизга, бронхит билан хасталаниш 32,8 ва сколиоз билан касалланиш 32,7 фоизга камайди.

(Давоми 2-саҳифада)



Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

ПУХТА АМАЛИЁТ — ТАЖРИБА ВА МАЛАКА АСОСИ

Мамлакатимизда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 5-саҳифада)

ҚАЛБЛАРДА ВАТАН ТАРАННУМИ

Наманганда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида таниқли ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат намояндalари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик иштирокида “Нима қилдик Ватан учун?” шиори остида ижодий фестивал бўлиб ўтди.

(Давоми 3-саҳифада)

Zulfiya tavalludining 100 yilligiga

МЕҲРИГИЁСИ БОР ЭДИ

Ички ишлар вазирлиги академияси Маънавият тарғибот марказида «Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман» мавзуида бадиий-маърифий кеча бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

(Давоми 4-саҳифада)



Yuksalish

САМАРҚАНДДА 20 МИНГИНЧИ АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ

Самарқанд автомобиль заводида йигирма мингинчи автомобиль ишлаб чиқарилди. Шу муносабат билан бу ерда тантанали тадбир бўлиб ўтди. Заводнинг 20000-автомобили номига сиқилган табиий газ билан ишлайдиган “Isuzu NPR82” русумли автомобиль сазовор бўлди.

(Давоми 4-саҳифада)



4

Мумтоз наволар бебаҳо мерос



7

Дунёга юз очган соҳа

СОҒЛОМ БОЛА — ЖАМИЯТ КЎРКИ, МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

**(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)**

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги “2014—2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори моҳият эътибори билан болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Мажлисда спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари атрофича таҳлил этилди. Спорт мажмуаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, болаларни, айниқса, қизларни спортга янада кенгроқ жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2014 йилда болалар спорт объектлари, мусиқа ва санъат

мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари изчил давом этирилди. 115 болалар спорт объектлари, 48 болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этилди.

Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланаётгани туфайли уларнинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллиондан зиёд бола спортнинг 30 тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Битта спорт иншоотидан ўртача кунлик фойдаланиш вақти 9,8 соатни ташкил этмоқда.

Болалар спорт объектлари асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 116 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда.

Қизларимиз учун миллий менталитетимизга хос кийим-

лар тайёрланмоқда, аёл мураббия ва ўқитувчиларни тайёрлашга кенг ўрин берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Жамғарма фаолиятини замон талаблари асосида янада ривожлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Замон ўзгаргани сари талаб ҳам, рақобат ҳам ўзгариб бораверади. Шу боис спортни ривожлантириш борасидаги ишларимизга танқидий кўз билан қарашимиз, замон билан ҳамқадам бўлмоғимиз зарур.

Мамлакатимиз спортчилари 2016 йилги ёзги Олимпия ўйинларига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бу борадаги ишлар замонавий асосда олиб борилмоқда.

Спортчиларимизнинг ғалабалари спортни кенг оммалаштиришда муҳим ўрин тутди. Халқаро мусобақаларда ғолиб бўлиб, байроғимизни баланд кўтариб, қувончдан кўзига ёш олган йигит-қизларни кўрганда ота-оналарда, болаларда ҳам спортга ҳавас уйғонади. Бундай ғалабалар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўини янада оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш, профессионал спортчиларни тайёрлаш ва халқаро мусобақаларда иштирокини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳар бир спорт тури учун махсус мажмуа бўлиши керак. Шу мақсадда барча вилоятларда халқаро тоифадаги спорт усталари тайёрлайдиган мажмуалар барпо этиш зарур. Уларга энг малакали мураббийларни, керак бўлса, хориждан мутахассисларни жалб этиш, спортни ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ло-

зим, деди Президентимиз.

Йиғилишда 2015 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўриб чиқилди. Спорт объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, халқ таълими вазири У.Иноятов, халқ таълими вазири ўринбосари, Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Э.Искандаров, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси раиси М.Усмонов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири**

Saylov — 2015

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида сиёсий партияларнинг вакиллари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссияси аъзолари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Истиқлол йилларида юртимизда сайлов тўғрисидаги қонунчилик босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилди, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари янада мустаҳкамланди ҳамда халқаро сайлов стандартларига мувофиқ чинакам демократик сайловларни ўтказиш бўйича ижобий тажриба тўпланди. Миллий сайлов қончилигимизда сайлов жараёнини кузатишда ҳам миллий, ҳам халқаро кузатувчиларнинг қатнашиш имконияти жорий этилган. Улар кузатувни муҳим сиёсий жараённинг барча босқичларида амалга ошириши мумкин. Бундай ҳолат халқаро

сайлов амалиётида камдан-кам учрайди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш жараёнини сайлов комиссиялари томонидан очиқ ва ошкора тарзда амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Марказий сайлов комиссияси аввалги сайловларда бўлгани каби Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун Европа, Осиё, Америка ва Африка мамлакатларидан кўп сонли хорижий кузатувчиларни, шунингдек, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар миссияларини таклиф этди.



Айни пайтда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросидан таклиф этилган кузатувчилар миссиясининг 12 кишидан иборат асосий гуруҳи мамлакатимизга келди.

Мажлис якунида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросидан ташриф буюрган кузатувчилар миссияларини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**Жавлон ВАФОЕВ,
«Turkiston» мухбири**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муносабати билан профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш мақсадида семинар ташкил этилди.

ТАЛАБАЛАР УЧУН СЕМИНАР

Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, университет профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиздаги амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг навбатдаги босқичидир, — дейди университетнинг ўқув ишлари бўйича биринчи проректори, Марказий сайлов комиссияси аъзоси Шухрат Сирождидинов. — Ушбу сайлов Ватанимиз тарихидаги ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Юртимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши кўп жиҳатдан сайловда иштирок этадиган юртдошларимизнинг фаоллиги ва сиёсий етуқлигига боғлиқ.

**Жалолiddин ЮСУПОВ,
ЎЗМУ ўқитувчиси**

Тбилиси шаҳрида давом этаётган ФИДЕ Гран-присининг учинчи босқичида 8-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Ушбу турда россиялик Дмитрий Андрейкин билан ўтказилган учрашувда дуранг натижани қайд этган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов очколари сонини 4,5 тага етказиб олди ва турнир жадвалида ҳамон 3-ўринда бормоқда. Мусобақа пешқадами Евгений Томашевский (Россия) ҳисобида эса 6 очко бор.

25 февраль куни ўтказиладиган 9-турда Рустам Қосимжонов турнир жадвалида биринчи ўринда бораётган Е.Томашевскийга қарши дона сурди.

Шу кунга қадар ўтказилган 8 учрашувда Рустам Қосимжонов 2 бор ғалаба қозониб, беш партияда дуранг натижани қайд этган ва фақатгина бир ўйинда мағлубиятга учраган.



Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичининг 1-тур ўйинларига старт берилди. Турнирнинг «В» гуруҳидан жой олган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида Эроннинг «Нафт Техрон» жамоасига қарши тўп суриб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Шунингдек, ушбу турда «Ан-Наср» — «Бунёдкор», «Насаф» — «Тракторсози» ва «Ал-Ҳилол» — «Локомотив» ўйинлари ҳам ўтказилади.

Жиззахда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонуни ижросига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати, БМТ Тараққиёт дастурининг “Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: 2-босқич” лойиҳаси доирасида ташкил этилган семинарда шаҳар, туман ҳокимликлари матбуот хизмати, жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда мазкур қонун ижроси, уни ҳаётга изчил татбиқ этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар, галдаги вазифалар, жойларда қонун ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, эришилаётган натижалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Фарғонада 2015 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатининг асосий йўналишларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Соҳа мутахассислари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда юриллаётган солиқ ва бюджет сиёсати ҳужалик субъектлари ҳамда аҳолига нисбатан солиқ юқини изчил камайитиб бориш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга йўналтирилгани таъкидланди. Президентимизнинг 2014 йил 4 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти ҳамда солиқ тизимидаги янгилик ва ўзгаришлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Миллий ахборот манбалари асосида тайёрланди.



ҚАЛБЛАРДА ВАТАН ТАРАННУМИ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Алишер Навоий номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш, ёшларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Тадбир доирасида ташкил этилган таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокидаги гала-концерт барчага байрамона кайфият бағишлади.

— Ёшларни Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу мақсадлар сари рағбатлантириш, уларда эл-юрт тақдирига ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга дахлдорлик, келажакка ишонч ва шукроналик туйғуларини янада мустаҳкамлаш, ўғил-қизларимизни миллий менталитетимизга ёт гоё ва таҳдидлардан асрашга қаратилган бундай ижодий учрашувлар биз, санъаткорларга ўзгача илҳом бағишлайди, — дейди хонанда, “Нихол” мукофоти совриндори Зиёда Қобулова. — Айниқса, “Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун?” кўшиги янграганда барча ёшларнинг тик турганча қўлни қўлга бериб жўр бўлгани гоё таъсирлантирди. Ватанпарварлик, миллий гурур, бугунги ҳаётдан мамнунлик ва эртанги кунга мустаҳкам ишонч уларнинг юз-кўзларида, қатъий ҳаракати ва муомаласида яққол акс этиб турибди. Мана шундай озод ва обод юрт, мана шундай ёшлар учун

ижод қилиш биз, санъаткорлар учун энг улғу бахтдир.

Шу кунни вилоят маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган “Қуйла, ёшлигим” танловининг Наманган вилояти босқичи ҳам бўлиб ўтди.

Вилоятнинг турли ҳудудларидан сараланган 45 нафар эстрада санъатига қизиқувчи ёшлар ижросидаги Ватан, мустақиллик, дўстлик ва ёшликни тараннум этувчи кўшиқлар таниқли ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаб борилди. Наманган шаҳридан Азизбек Аюбхонов, Косонсой туманидан Фарҳод Ғофуров, Учқўрғон туманидан Анвар Дехқонов каби ёш истеъдодларнинг ўзбек, инглиз ва корейс тилларида ижро этган кўшиқлари, айниқса, йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Энг муносиб иштирокчилар танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири**

**Нукусда ҳам
“Нима қилдик
Ватан учун?”
шиори остида
ижодий фести-
валь бўлиб
ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маданият ва санъат намояндалари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат муси-

қали театрида бўлиб ўтган учрашувда мамлакатимизда навқирон авлодни юксак билимли ва интеллектуал салоҳиятли инсонлар этиб тарбиялаш, ёшларнинг иқтидорини намоён этиш учун кенг шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Бугун ҳар бир фуқаро мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга дахлдор эканини теран ҳис этиб бормоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Асан Ниетуллаев. — Ўсиб келаятган ёш авлод илм-фан, санъат ва спорт соҳаларида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритиб, Ватанимиз шухратини халқаро миқёсда кенг тараннум этмоқда. Бугунги тадбир ҳам ёшларга кўрсатилаётган ана шу эътибор ва ғамхўрлик намунаси.

Баркамоллик ва нафосат фестивалида “Нихол” мукофоти совриндорлари Ойбек Алимов ва Нигора Исмоилова ижросидаги куй-кўшиқлар барчага завқ-шавқ бағишлади.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар замирида навқирон авлодни буюк ажодларимизга муносиб ворислар этиб вояга етказиш, уларнинг орзу-интилишларини юзага чиқаришдек эзгу мақсад мужассам, — дейди Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 3-академик лицей ўқувчиси Шоҳноза Тажимуратова. — Яратилаётган кенг имкониятлардан фойдаланиб, тенгдошларим қатори мен ҳам ўз истеъдодимни намоён этишга ҳаракат қилмоқдаман. Ўтган йили “Қалб кўзи” деб номланган илк шеърий китобим нашр этилди.

**А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА мухбири**

«Kamolot» ko'z'gusi

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ БЎҒИН

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши томонидан бошланғич ташкилот етакчиларининг минтақавий форуми бўлиб ўтди.



Форумда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, бошланғич ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилаётган таклифлар ўртага ташланди. Унда пойтахтимиздаги 675та таълим муассасасидаги бошланғич ташкилот етакчилари иштирок этди.

Шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда юртимизда ёш авлодни баркамол инсон этиб вояга етказиш, уларнинг спорт билан мунтазам шугулланиши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини намоён этиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилаётгани таъкидланди.

— Юртимиз ёшларининг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун кўмаклашиш, ҳуқуқ ва манфаатларини

ҳунар коллежлари, олий ўқув юрталари, шунингдек, кўплаб меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмларда “Kamolot” бўлимлари ташкил этилган бўлиб, уларда ёшларнинг эзгу орзу-интилишларини рўйбга чиқариш, режаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Мазкур саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ёш авлоднинг мустақил фикрлайдиган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга, маънавий етук инсонлар бўлиб улғайиши, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётир.

“Kamolot” ЁИХ томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган спорт, саломатлик, экология ва бошқа соҳаларга оид турли лойиҳа ва танловлар, жумладан, «Мунозара» тўғараги, “Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракати, “Юрт келажиги”, “Ёш тадбиркор —



ҳимоялаш, уларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш бошланғич ташкилотлар фаолиятида муҳим ўрин тутди, — дейди «Kamolot» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Бобур Мирзаев. — Ушбу форум бошланғич ташкилотлар етакчиларининг ёшлар билан ишлаш борасидаги билим ва кўникмаларини янада ошириш, энг яхши бошланғич ташкилотларнинг илғор тажрибаларини тарғиб қилишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Етакчиларга “Kamolot” ижтимоий ҳаракатининг дастуридан келиб чиққан ҳолда истиқболдаги вазибалар ва ўз фаолиятидаги устувор йўналишларни белгилашга доир маълумотлар берилди. Мамлакатимизда ёшларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шароитларни яратиш борасида олиб борилаётган ишлар навқирон авлод вакилларининг келажакка ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Айтиш кераки, барча умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-

юртга мададкор», “Сиз қонунни биласизми?”, “Ёшлар гиёҳвандликка қарши”, “Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз”, “Ёшлар экоҳаётни танлайди”, “Ёзни “Kamolot” билан», «Kamolot» кубоги, «Kamolot» шахмат тахтаси сингари тадбирлар ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, бандлигини таъминлаш, иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида ўтказилган ана шундай тадбирларда пойтахтимиздаги 668та бошланғич ташкилот тизимида фаолият юритаётган бир миллиондан ортиқ ўғил-қиз иштирок этди.

Форум якунида Ҳаракатнинг йил давомида намунали фаолият олиб борган, таълим муассасасида ёшларни эзгу гоёлар атрофида бирлашишга алоҳида ҳисса қўшган, уларнинг таклиф ва муаммоларига ечим излашга астойдил кўмак берган бошланғич ташкилотлари етакчилари диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Turkiston» мухбири**

МЕҲРИГИЁСИ БОР ЭДИ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Тадбирда сўзга чиққан таниқли ижодкорлар, адабиётшунос олимлар шоиранинг бетакрор истеъдодини, инсоний фазилатларни юксак пардаларда тараннум этган етук бадий асарларини, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссасини тингловчи ва курсантларга атрофлича тушунтириб берди.

— Устоз Зулфияхонимнинг меҳригиёси, оҳанрабоси бор эди. Бир марта у кишининг суҳбатида бўлган инсон шоиранинг меҳру муҳаббатини, ўзгача салобати, улғу-



ворлигига мафтун бўлар, бу учрашувни умрбод эслаб юрарди, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёва. — Ҳар йили баҳорнинг биринчи кунда кўкси-

да Зулфия сиймосини порлатиб навниҳол Зулфиялар сафимизга кириб келади. Зулфиянинг боғларида навқиронлик, меҳр-муҳаббат, садоқат, нафосат, Ватанга

сўнмас эътиқод чечаклари очилаверади. Бу боғлар хазон бўлмайди, шоира айтганидек, уни маҳв этолмас хазон лашкари...

Тадбирда Зулфия ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар намойиш этилди, шоиранинг қизи Хулкар Олимжонова ва келини Риоя Олимжонова, шогирди Муҳтарама Улуғова устоз ижодкор ҳақидаги хотираларидан сўзлаб берди.

— XX асрнинг буюк аёллари сафида шубҳасиз муносиб ўрин эгалловчи таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири, халқаро «Жавоҳарлаъл Неру», «Нилуфар» мукофотлари совриндори Зулфияхоним ҳақида қанча гапирсак кам, — дейди Муҳ-

тарама Улуғова. — Унинг ўзбек адабиёти, Шарқ маданияти ва фалсафаси ривожига қўшган ҳиссаси алоҳида таҳсинга лойиқдир. Зулфияхоним халқимиз тарихининг ажралмас қисми сифатида бугун ёшлар қалбида мангу қолишга ҳақлидир.

Бадий-маърифий кечага Ўзбекистон халқ артисти Замира Суёнова, Ўзбекистон халқ ҳофизи Оролмирзо Сафаров ҳамда ИИВ академияси оркестри ансамбли томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар ва Академия тингловчилари томонидан Зулфияхоним қаламига мансуб шеърларнинг ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз ва француз тилларида ўқиб эшиттирилгани ўзгача руҳ бағишлади.

Санжар ИСМАТОВ,
«Turkiston» мухбири

Барча халқлар учун сеvimли

Шундай инсонлар бўладик, улар бир халқ ёки миллатнинг эмас, бутун башариятнинг фарзанди сифатида ҳурмат-эътибор қозонади.

Масалан, Зулфияхоним номини нафақат ўзбек ва қорақалпоқ халқлари, балки Ер юзидаги кўплаб миллатлар ва элатлар эҳтиром билан тилга олади. Машҳур адиб Чингиз Айтматов

«Зулфия шеърияти замонавий ўзбек поэзиясининг гўзал ва порлоқ саҳифасини ташкил этади. Зулфия, нафақат ўз шеърларида гавдаланган тўла-тўқис аёл тимсоли, балки у мукамал шахс тимсолидир» дея самимий эътироф этган, унинг шахсига юксак эҳтиромини изҳор қилган эди.

Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейда Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбир ҳам ана шундай меҳр ва юксак ҳурмат намунаси

бўлди. Унда ижодкорлар, ўқитувчи ва ўқувчилар, адабиёт мухлислари иштирок этди.

«Зулфия ва шеърият» деб номланган тадбир доирасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокида мушоира уюштирилди. Зулфиянинг «Хотирам синиқлари» достони асосида тайёрланган, лицейнинг иқтидорли ўқувчилари ижросидаги саҳна томошаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Qadriyat

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Бухоро вилоят бошқармаси ташаббуси билан Бухоро мусиқали драма театрида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида бағишланган «Назм ва наво» кечаси бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт ва мусиқа ихлосмандлари иштирок этди.

Мумтоз наволар бебаҳо мерос

Ушбу тадбир икки буюк мутафаккирнинг бой адабий мероси орқали ёшлар маънавиятини юксалтириш, навқирон авлодни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб камолга етказиш, шунингдек, алломаларнинг бетакрор ғазаллари мазмун-моҳиятини ёшлар онгу шуурига мусиқа санъати орқали сингдириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий маданиятимизнинг ноёб дурдоналаридан ҳисобланган мумтоз мусиқа санъатини улғулаш ва уни янада ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга ошириладигани, ғижжак, най, чанг, сурнай, дутор каби мусиқий созлар ижрочилиги бўйича ўтказиладиган кўрик-танловлар, фестивал ҳамда байрамлар ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётгани ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Навоий ва Бобур ғазаллари билан куйланадиган кўшиқлар ҳамда мусиқий созлар навосининг бебаҳо мерос сифатида, халқимиз, айниқса, ёшлар томонидан юксак даражада эъзозланаётгани айтиш ҳақиқат, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, республика мақом ансамбли раҳбари, профессор Абдухошим Исмоилов. — Ўзбек мақомининг дарди, ноласи ҳеч бир миллатда, ҳеч бир мамлакатда йўқлигини гулдурас қарсақлар авжидан ҳам англаш қийинмас. Қадим шашмақом юрти аҳлининг жонли мумтоз куйларимизни кутганига, соғинганига гувоҳ бўлдик. Бу эса анъанавий миллий кўшиқчилигимиз, айниқса, мақом санъатининг барҳаёт эканининг исботи, десам адашмаган бўлман.

Шубҳасиз, ёшлар ўртасида бебаҳо меросларимизни янада улғулаш, буюк мутафаккирлар асарлари ҳамда уларнинг куйга солинган ғазаллари орқали бадий-эстетик маданиятни юксалтириш, ижрочилик санъатини ривожлантиришда бу каби тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

САМАРҚАНДДА 20 МИНГИНЧИ АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ



(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Тантанали тадбирда «Isuzu Motors», «Itochu Corporation» ва «Ўзавто-саноат» АК раҳбарлари иштирок этиб, бундай автомобиллар юқори техник хусусиятлари ҳамда замонавий дизайни билан Ўзбекистон автомобиль саноати бозорини ривожлантириш ва иқтисодий юксалтиришга муносиб ҳисса

қўшишини алоҳида таъкидлади.

— Самарқанд автомобиль заводининг йигирма мингинчи автомобили ишлаб чиқарилганлиги муносабати билан ташкил этилган тадбирда иштирок этиш мен учун катта бахт, — деди «Isuzu Motors» компанияси ижрочи президенти Таканобу Фурута. — Юбилей автомобиль сифатида мазкур табиий газ ёрдамида бошқариладиган ав-

томобиль эътироф этилгани жуда қувончлидир. Бу автомобиль экологик транспортнинг янги авлоди сифатида барча таллабларга жавоб беради.

Табиий газ ёрдамида автомобиль двигателларини ҳаракатга келтириш тенденцияси ҳозирда бутун дунё бўйлаб оммалашган бўлиб, унинг афзаллиги арзонлиги ва заҳарли газларни кам ажратиб чиқариши билан белгиланади.

Самарқанд автомобиль заводи табиий газ билан ишлайдиган автомобиллар ишлаб чиқаришни 2011 йилдан бошлаб йўлга қўйган.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган лойиҳа доирасида Самарқанд автомобиль заводи 2014-2015 йилларда 1000 тадан кўпроқ CNG — чиқинди ташиш автомобиллари ишлаб чиқаришга буюртма олган бўлиб, бундан ташқари фургон, борт бўлма-си ва самосвалдан иборат учта кузовли CNG — автомобилларини ишлаб чиқаришни ҳам ўзлашти-

риб олди. Ушбу лойиҳа самарасида Ўзбекистондаги ободонлаштириш ва санитар тозалаш йўналишидаги автомобиль парки таркиби янги-ланмоқда.

Таъкидлаш керакки, Самарқанд автомобиль заводи автобуслар, юк ташиш ва бошқалар учун мўлжалланган махсус автомобиллар ишлаб чиқаради. Фаолиятини 1999 йил мартда бошлаган завод 2006 йилда «Самарқанд автомобиль заводи» ОАЖ («СамАвто») сифатида қайта номланган ва «Isuzu Motors» билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Заводда бугунги кунда М3 I ва II класс автобуслар, шунингдек, паст полли шаҳар автобуслари, N класс автомобиллар (N2 класс, 5000 кг гача юк кўтаради) ва F (N3 класс, 9000 кг гача юк кўтаради) махсус юк машиналари, улар учун 30 дан зиёд турдаги кузовлар ишлаб чиқарилмоқда.

«Turkiston-пресс»



80 Ёшли онахон МАСТЕР-КЛАСС ЎТКАЗДИ

Косон педагогика иқтисодиёт касб-хунар коллежида «Хуна-рим — фахрим» мавзуида ўқув-семинар ўтказилди. Қашқадарё вилояти Хотин-қизлар кўмитаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Марказий банк бошқармаси, «Маҳалла» жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда хунаранд ва тадбиркорлар, чевар онахонлар, касб-хунар коллежлари битирувчилари қатнашди.

Дастлаб соҳа мутахассисларининг «Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда хотин-қизлар кўмиталарининг ўрни ва роли», «Хунаранд хотин-қизларнинг фаолиятини кучайтириш», «Тадбиркорларга кредит олиш бўйича берилган имтиёзлар», «Бизнесни йўлга қўйиш учун тавсиялар» каби мавзуларда маълумотлар тингланди.

Тадбир давомида кекса онахонларнинг «Ўзбегим дурдоналари» номли миллий, анъанавий каштачилик буюмлари кўргазмаси ҳамда «Кўли гулдир ўзбек аёли» мавзуида хунаранд ва тадбиркор аёлларнинг махсулотлари намойиш этилди. Семинар доирасида мастер-класс дарслари ўтказилди. Унда Косон туманидаги «Жизза-

лик» маҳалласида яшовчи 80 ёшли Саида момо Давронова каштачиликда эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилиб берди, маҳорат сирларидан воқиф этди. Семинар сўнггида «Ўзбегим дурдоналари» кўргазмасида қатнашган фахрий хунарандлардан Саида Давронова, Ашур Мўминова, Муҳаббат Очилова, «Кўли гулдир ўзбек аёли» кўргазмасида эса Лобар Курбонова, Гулрух Ҳамроева, Наргиза Ҳамдамова каби ёш тадбиркорлар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ахрор СОДИҚОВ,
«Камолот» ЁИХ Қашқадарё
вилояти кенгаши
матбуот хизмати ходими

МОЛИЯВИЙ КЎМАК БЕРИЛМОҚДА

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб Республика Марказий банки ташаббуси билан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ортқича меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида учрашувлар, семинар машғулоти ташкил этилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Нурота туманида бўлиб ўтди.

Навоний вилояти саноат салоҳияти юқори, қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган ҳудудлардан ҳисобланади. Вилоятда қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхоналар сони кўпайиб, махсулотни қайта ишлаш даражаси ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Албатта, бу жараёнда вилоятда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг ўрни катта.

Нурота туман ҳокимлигида бўлиб ўтган амалий мулоқотда шулар ҳусусида сўз юритилар экан, бугун деярли барча соҳада ёшларнинг фаоллиги сезилаётгани эътироф этилди. Уларнинг шижоати ва саъй-ҳаракати билан иқтисодиётимиз тораб юксалиб бораётгани таъкидланди. Ўтган йил вилоятда 2411 нафар фаол ва ташаббускор ёшнинг бизнес лойиҳала-

рини молиялаштириш учун 13 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилгани фикримиз далилидир.

— Шахсий бизнесимни банкнинг молиявий кўмагида ривожлантириб бораёман. Тенгдошларимни жалб этиб, уларнинг хунар ўрганишларига кўмаклашаётганимдан хурсандман. Биз, ёшлар тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўл очиб бераётган давлатимиздан беҳад миннатдоримиз, — дейди ёш тадбиркор Гулжаҳон Исломова.

Семинарда иштирокчиларга банкдан кредит олишнинг шартлари, солиқ ва бошқа тўловлардаги имтиёзлар ҳусусида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Отабек АСЛОНОВ,
«Turkiston» мухбири

Суғурта маданияти

Миробод туманидаги 110-мактабда «Суғурта болаларнигоҳида» расмлар танлови доирасида «Суғурта тушунчаси ва унинг афзалликлари» мавзуида семинар ўтказилди.

«Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компанияси Тошкент шаҳар филиали ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган «Суғурта болаларнигоҳида» расмлар танловини ўтказишдан асосий мақсад мактаб ўқувчиларига замонавий суғурта фао-

лиятини, унинг афзалликлари ҳақида маълумот бериш, уларда суғурта маданиятини шакллантиришдир.

«Камолот» фаоли Бону Хўжаева Миробод туманидаги 16та умумтаълим мактабида ўқувчиларга «Суғурта тушунчаси ва унинг афзалликлари» мавзуида тарғибот семинарларини олиб борди.

Расмлар танловида қатнашиш истагида бўлган ўқувчилар «Суғурта менинг тасаввуримда», «Суғурта билан менинг келажагим», «Кафолат» 18 ёшда» мавзуларида расм чизади. Танлов якунида голиблар 14 март куни Ёшлар ижод саройида диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,
«Turkiston» мухбири

ПУХТА АМАЛИЁТ — ТАЖРИБА ВА МАЛАКА АСОСИ

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан ҳам тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга ошириляётир. Коллеж битирувчилари ҳақида барча маълумотлар жамланиб, уларнинг амалиёт ўташини ташкил этиш ва ишга жойлашишига кўмаклашиш учун ўқувчилар корхона ва ташкилотларга шартнома асосида бириктирилмоқда. Ўқувчиларнинг амалиёт машғулотларини юқори савияда ўтказиши, бўлғуси фаолияти бўйича зарур кўникмага эга бўлиши ҳамда ишга жойлашиши доимий назоратда.

— Бу каби саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда, —

дейди Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Ширинбек Тўйчибоев. — Ҳозиргача 2014 йилда касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшларнинг кўпчилиги иш билан таъминланди. 2200 га яқин битирувчи олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттирмоқда.

Ёшларнинг ўз тадбиркорлигини ташкил этиши учун ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Тижорат банклари мутахассислари иштирокида жойларда семинарлар ўтказилиб, уларга бизнес режа тузишдан иш юритишгача бўлган барча жараёнларда иқтисодий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий кўмак берилмоқда. Натижада шу кунгача кўплаб ёшларнинг бизнес лойиҳасига тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ажратилди.

Тошкент политехника касб-хунар коллежида 1155 ўқувчи таҳсил олади. Мазкур билим масканидаги барча жиҳозлар билан таъминланган махсус фан хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари, иккита лаборатория, замонавий компьютер хоналари, спорт зали, ахборот-ресурс маркази — ёшлар ихтиёрида. Фанлар бўйича ташкил этилган тўғрақлар ўқувчиларнинг билим ва салоҳиятини оширишга кўмаклашмоқда.

Коллежда ёшларга молия, бухгалтерия ҳисоби, транспорт воситаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш, тикув ва тикув-трикотаж махсулотларини ишлаб чиқариш технологияси, кенг ассортиментдаги кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш каби йўналишларда таълим берилди. Мутахассисларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, ошпазлик,

электр жиҳозлари ва тармоқлари монтажи, хизмат кўрсатиш бўйича техник-электрик йўналишлари ҳам очилган.

Коллежни жорий йилда тамомлайдиган йигит-қизлар ўқув амалиётини Тошкент автомобиль-йўллар институти, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти каби олий ўқув юрталарининг лаборатория ва ишлаб чиқариш устахоналарида олиб бормоқда. Бу уларнинг ўз соҳасига бўлган қизиқишини янада оширмоқда.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини сифатли ташкил этиш ва келгусида уларни иш билан таъминлаш мақсадида «Nefis collection», «YU-Teks», «Ҳимоя-кийим», «Само-Инвест» масъулияти чекланган жамиятлари, «Электроаппарат-электроцит»

қўшма корхонаси, «Тошиссиқ-қуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси сингари қатор ташкилот ва корхоналар ҳамда кичик бизнес субъектлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

«Коллеж — корхона» тизими асосида ёшларнинг иш билан таъминланаётгани ҳам корхона, ҳам коллеж, ҳам ўқувчи учун фойдали бўляётир. Масалан, болалар кийимлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи «Nefis collection» жамиятида коллеж битирувчилари фаолият юритмоқда.

— Дугоналарим билан ишлаб чиқариш амалиётини мазкур корхонада ўтаган эдим, — дейди ёш мутахассис Азиза Муҳаммедова. — Коллежини битириб, меҳнат фаолиятимни шу ерда бошладим. Ишимдан, оиламга нафим тегаётганидан мамнунман. Келажақда ўз хусусий бизнесимни йўлга қўйиш ниятидаман. Бунинг учун юртимизда барча шарт-шароит яратилган.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

Millatlararo totuvlik

ТИЛЛАР БАЙРАМИ

2000 йилдан буён 21 февраль Халқаро она тили куни сифатида нишонланади. У ЮНЕСКО ташаббуси билан турли тиллар ва халқлар маданиятини муҳофаза қилиш мақсадида таъсис этилган.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ушбу санага бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккат, Бангладеш Республикасининг мам-

лакатимиздаги фавкулдда ва мухтор элчиси М.Маннан, Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази директори

Н.Муҳаммадиев, миллий маданият марказлари вакиллари, пойтахтимиздаги олий таълим муассасалари талабалари ва китобхонлар иштирок этди.

Тадбир доирасида дунё халқлари анъана ва қадриятларига оид саволлар асосида викторина ўтказилди.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Turkiston» мухбири

Jarayon

Хорижий тилларни ўрганиш куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, олий ўқув юртларида ҳам бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

ПЕДТЕХНОЛОГИЯ

Ўқувчи қобилиятига қараб қўлланилади

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўқитиш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида таълим муассасаларида барча кулай шароитларга эга ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган чет тили кабинетлари ташкил этилди. Жумладан, коллежимизда «Merry English» тўғараги йўлга қўйилиб, унга даргоҳнинг энг малакали чет тили ўқитувчилари жалб этилган. Тўғарак мукамал ишлаб чиқилган йиллик режа асосида ҳафтасига бир мартадан фаолият юритади. Унда ўқувчиларнинг тил ўрганиш қобилиятларига қараб, ўқитишнинг турли усул ва педагогик технологияларидан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб борилади.

Сўзлашув, тезкор савол-жавоблар, хотира синови, «Қувноқ алифбо», «Хорижга саёҳат» сингари машғулотлар ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганишга бўлган иштиёқини оширмоқда.

Тўғарак қатнашчилари олган билимларини «Фасллар суҳбати», «Ўзбекистон — жонажон ўлка» каби тадбирларда намойиш этмоқда. Шунингдек, коллежда ўқитувчиларнинг инглиз тили бўйича кўникмаларини оширишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Тўғарак доирасида ўтказилаётган турли тадбирлар коллежда таълим олаётган ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиб, тўғарак аъзолари сафини янада кенгайтирмоқда.

Сайёра УМАРОВА,
Миробод саноат касб-хунара коллежи ўқитувчиси

“Kamolot” hududi

“ОРАСТА ҚИЗЛАР”
ҲАФТАЛИГИ

Тошкент давлат юридик университетида мини футбол бўйича “Камолот” кубоги мусобақаси ўтказилди. Унда бакалавр ва магистрантлардан шакллантирилган 29та жамоа ўзаро беллашди.

МАЙДОНДА —
ҲУҚУҚШУНОСЛАР

Уч кун давом этган ўйинлар натижасида “Камолот” кўчма кубогини жинорий ҳуқуқий фаолият таълим йўналиши 3-курс талабалари қўлга киритди. 2-ўрин халқаро ҳуқуқий фаолият, 3-ўрин давлат ҳуқуқий фаолияти йўналишлари жамоаларига насиб этди.

Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шерзод ПЎЛАТОВ,
“Камолот” ЁИХ ТДЮУ
бошланғич ташкилоти
етакчиси

Навоий вилояти хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот” ЁИХ вилоят кенгаши ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида вилоятдаги умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунара коллежларида ташкил этилган “Ораста қизлар” клубларида “12 йиллик мажбурий таълим — биз қизлар учун зарур ва муҳим” мавзусида машғулотлар ҳафталиги бўлиб ўтди.

Ҳафталик давомида таълим муассасаларидаги “Ораста қизлар” тўғаракларининг машғулотлари уч босқичда ташкил этилди.

— Машғулотларда асосан Президентимизнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарини чуқур ўрганиш, 12 йиллик таълимнинг мажбурийлиги, шу даврда пухта билим олиш ва касб-



хунара эгаллаш лозимлиги, эрта никоҳнинг олдини олиш мавзуларида сўз юритилди, — дейди вилоят Хотин-қизлар кўмитаси котибияти мудир Гулноз Аслонова.

Ҳафталикнинг якуний тақдиротида фаолияти энг яхши деб топилган “Ораста қизлар” тўғаракларининг ишлари таҳлил қилинди.

Отабек АСЛОНОВ,
“Turkiston” мухбири

Tuman boylik

Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазирлигида «Крим-Конго» гемorraгик иситма касаллигининг олдини олиш бўйича республикамизда олиб борилаётган тадбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Фавқулдда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари вакиллари, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ОЗОДАЛИК ВА ҲУШЁРЛИК —
САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

«Крим-Конго» гемorraгик иситмаси ўткир юқумли касаллик бўлиб, асосан, чорва молларида учрайди. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, 2014 йилда ўлат билан касалланган 394 нафар кишининг 83 нафари, вабога чалинган 962 023 одамнинг 21 608 нафари ва «Крим-Конго» гемorraгик иситмаси билан оғриганларнинг 16 нафари вафот этган.

— «Крим-Конго» гемorraгик иситма касаллиги инсонга унинг манбаи бўлмиш вирусни ташувчи ва сақловчи каналар қақиши натижасида ҳамда шу касалликка чалинган бемор билан мулоқотда бўлиш жараёнида юқиши мумкин, — дейди Республика Давлат санитария-эпидемиология маркази ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими бошлиғи Хусан Сапаров. — Чорва мол-

лари, хусусан, майда ва йирик шохли моллар касалликнинг манбаи ҳисобланади. Вирус ташувчиси эса қорамолларда учрайдиган каналардир. Уларнинг ҳаммасида ҳам бу вируслар бўлмайди. Жумладан, ит ва мушукда учрайдиган каналар бундан мустасно.

Ушбу касаллик 1944 йилда Кримда, 1956 йилда Конгода аниқлангани сабабли унга шундай ном берилган. Мазкур гемorraгик иситма бошқа ўта хавфли юқумли хасталиклар сингари иссиқ ўлкаларда, жумладан, Африка, Болқон, Яқин Шарқ ва Осиё мамлакатларида учрайди.

Касалликнинг яширин даври 2-6 кундан иборат, у ҳароратнинг кўтарилиши, баданда тошма тошиши, ички ва ташқи қон кетиши билан намоеён бўлади. Касалликни келтириб чиқарувчи вируслар арбови-

руслар бўлиб, улар тоғ олди ва чўл ҳудудларида тарқалган. Ҳайвонлар бу касалликка чалинмайди. Фақат вирусни ташувчи каналарнинг одамга ўтишида воситачи ҳисобланади.

Фавқулдда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари вакиллари билан иборат республика ишчи гуруҳлари томонидан «Крим-Конго» гемorraгик иситма касаллиги бўйича эпидемик вазиятга баҳо бериш, тегишли профилактик тадбирлар олиб борилиши ҳолатини ўрганиш, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари ўрганиб чиқилди.

— Юртимизда қорамолларнинг 95 фоизи аҳоли қарамоғида, — дейди Давлат ветеринария бош бошқармаси

бўлим бошлиғи, Республика бош эпизоотологи Абдор Акбаров. — Ҳудудларда қорамолларни дизенфекциялаш учун 308та чўмилтириш жойи, касалликнинг четдан кириб келишининг олдини олиш мақсадида давлат чегараларида 27та санитария пункти ташкил этилган.

Аҳоли ушбу касалликнинг юқиш йўллари ва ундан сақланиш бўйича қанча кўп маълумотга эга бўлса, олиб борилаётган профилактик тадбирлар шунча кўп натижа беради.

— Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳар бир тиббиёт муассасаси ходими олдида турган масъулиятли вазифадир, — дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти шифокори, олий тоифали валиолог Бобожон Рўзметов. — Мазкур

касаллик профилактикаси бўйича 2014 йилда институти томонидан ҳудудларда тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, саккиз мингдан ортиқ маъруза ўқилди, 1700та учрашув ташкил этилди, оммавий ахборот воситаларида, хусусан, телевидениеда 39та кўрсатув, радиода 148та эшиттириш ва даврий нашрларда 109та мақола эълон қилинди.

Тарғибот ишлари Фавқулдда вазиятлар бошқармалари томонидан ҳам амалга оширилди. Марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қаторида аҳолини касалликдан огоҳ этувчи эслатма ва буклетлар тайёрлаб тарқатилди.

Назokat ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири



Turizm

ДУНЁГА ЮЗ ОЧТАН СОҶА

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилапти.

Термиз туризм ва меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежи Сурхондарё вилоятида соҳага ихтисослаштирилган ягона таълим маскани ҳисобланади. Коллежда ўқувчиларнинг билим ва маҳоратларини қизиқарли шартлар асосида синовдан ўтказиш аънаанага айланган. Яқинда улар ўртасида “Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши — юрт истиқболи” мавзuida касбий-ижодий танлов ўтказилди.

“Камолот” ЁИХ Термиз тумани кенгаши ва “Ўзбектуризм” Миллий компанияси Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган танловда жамоалар ҳар бир вилоятнинг урф-одат ва аънаналари, маданий ва тарихий бойлиги,

миллий таомлари, иқтисодий ҳамда туристик салоҳиятини саҳна кўришлари, бадий чиқишлари орқали намойиш этди.

— Термиз туризм ва меҳмонхона хўжалиги коллежи билан доимий ҳамкорлик қиламиз, — дейди “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ҳудудий бўлими бошлиғи Шухрат Ибрагимов. — Бугунги тадбирда қатнашган ўқувчиларнинг билими ва иқтидорига қойил қолдим. Ҳар бир жамоа ўзига топширилган ҳудуднинг географик жойлашуви, тарихий обидалари, иқтисодий имкониятлари ҳамда сайёҳликни ривожлантириш истиқболларини қизиқарли, муҳими, бир-бирига ўхшамаган тарзда ифодалаб берди. Ўқувчилар бу танловга жид-



дий, пухта тайёргарлик кўрган экан. Менга, айниқса, саҳна кўринишлари мунзур бўлди.

Танлов шартларига кўра иштирокчилар ҳар бир вилоятда ўзига хос тайёрланган миллий таомлар, у ердаги маҳаллий аҳолининг озиқ-овқат рационаси ҳақида маълумот берди, таомларни тортиш, дастурхонни безаш бўйича ҳам маҳоратини намойиш этди.

Натижаларга кўра, 1-ўринни “Тошкент” жамоаси қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар “Сурхон” ва “Самарқанд” жамоаларига насиб этди. Шунингдек, бошқа фаол иштирокчилар турли номинациялар бўйича рағбатлантирилди.

Наргиза РАХМАТУЛЛАЕВА,
“Turkiston” мухбири

Ogohlik

Навоий техника-иқтисодий-ёт касб-хунар коллежида “Глобаллашув жараёнларида ёшларни диний экстремизм, терроризм, миссионерлик ва информацион хуружлар каби салбий мафкуралар таъсиридан асраш” мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШАМИЗ

Вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, Навоий шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда турли ёт гоғлар, маънавий ва мафкуравий таҳдидлар, уларнинг салбий оқибатлари ҳамда бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

— Юртимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, илм олиш ва касб ўрганишга бўлган иштиёқини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир, — дейди Навоий техника-иқтисодий касб-хунар коллежи директори ўринбосари Дилшод Соибов. — Хусусан, коллежимизда ўқувчилар учун турли тўғарақлар ташкил этилган. Бу орқали уларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ва мақсадли ўтказишга интиляпмиз.

Тадбир сўнгида ўқувчилар эътиборига виртуал танишувлар, одам савдоси, диний экстремизм каби иллатлар ва уларнинг оқибатлари акс этган видеоланталар намойиш қилинди.

Отабек АСЛОНОВ,
“Turkiston” мухбири

Qonun barchaga barobar

Камари «кўки»дан!

Маълумки, республикамизнинг чегара божхона постлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали чиқиб кетаётган шахслар валюта назоратидан ўтказилади. Амалдаги тартибларга мувофиқ, божхона чегарасини кесиб ўтаётган жисмоний шахслар томонидан тўлдириладиган йўловчи божхона декларациясида Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий ва чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари ҳамда қимматбаҳо буюмларнинг мавжудлиги ва миқдори кўрсатилиши шарт.

Афсуски, мазкур тартибларга риоя қилмасдан нақд хорижий валюталарни ноқонуний равишда олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатлари учраб турибди.

Ўтган 2014 йилда республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 781 та божхона қоидабузарликлари аниқланиб, натижада салкам 3,4 миллиард сўм эквивалентдаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний

олиб ўтилишига чек қўйилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси “Келес” темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан “Тошкент — Москва” йўналишидаги поезд йўловчиси, буюхоролик А.Мухамедованинг (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилди. Аниқланишича, ушбу шахс йўловчи божхона декларациясида қайд этмасдан туриб, қўл юклари орасига 5700 АҚШ долларини

яширганча олиб чиқишга уринган экан.

“Тошкент-Аэро” ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари ҳам нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига оид бир нечта қонунбузарлик ҳолатларини фош қилди.

Жумладан, самарқандлик Р.Мадраҳимовнинг Истанбулга парвози бироз кечикди. Боиси, у йўловчи божхона декларациясида қайд этган 2000 АҚШ долларидан ташқари, божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилмасдан туриб, 5000 АҚШ долларини чўнтагига солганча, бамайилхотир чиқиб кетишга уринган экан.

«Тошкент — Франкфурт» рейси бўйича парвозга шайланган И.Коенов ҳам “уддабурон” чиқиб қолди. Холислар иштирокида ушбу шахс шахсий кўриқдан ўтказилганда, ҳамёни чарм куртқасининг ички қисмига моҳирлик билан

яширилганлиги фош бўлди. Ҳамёнда эса йўловчи божхона декларациясида қайд қилинмаган ва табиийки, яширинча олиб чиқиш учун кўзланган 5900 евро борлиги аниқланди.

Шунингдек, божхоначилар хитойлик Ю.Ханнинг 11300 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетишининг олдини олди. “Тошкент — Урумчи” рейси бўйича парвоз олдидан ушбу хорижий фуқарога тегишли багаж божхона кўригидан ўтказилганда, мазкур нақд хорижий валюталар юклар орасига яшириб қўйилгани аён бўлди.

Қаршилик Л.Норқулова ҳам Москвага учиб олдидан таваккалга қўл урди. Амалдаги тартибларга зид равишда нақд хорижий валюталарни олиб чиқишнинг гўёки «теша тегмаган» усулини қўлади. Яъни белидаги камари орасига 13070 АҚШ долларини

устамонлик билан бекитиб олди. Аммо, божхоначилар қаршисида безовталаниши, унинг “иситма”сини фош қилиб қўйди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом этмоқда.

Эслатиб ўтамиз, республикамизда резидентларга 2000 АҚШ доллари эквивалентдаги нақд хорижий валюталарни йўловчи божхона декларациясида ёзма қайд этиш шarti билан эркин олиб чиқиб кетишларига рухсат этилади. Бундан ортиқ миқдордаги нақд валюталарни олиб чиқиш учун эса ваколатли банклар ёки Марказий банкнинг ўрнатилган тартибдаги рухсатномаси талаб этилади.

Норезидентларга эса Ўзбекистонга кириб келаётганда ўзи билан олиб келган ҳамда божхонага тақдим этилган йўловчи божхона декларациясида қайд этилган миқдордаги қайд этилган миқдордаги хорижий валютани олиб чиқишларига рухсат берилган.

Хусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона кўмитаси
Ахборот хизмати катта инспектори



Hunari borning — xazinasini bor

Шахрисабзлик Лола Ҳамраева «Handmand.uz — 2015» кўрик-танловида ўзининг миллий хунармандлик буюмлари билан иштирок этди. Чевар қиз бош кийим ва аёллар сумкасини замонавий ва миллий нақшлар билан безайди. 2010 йилдан Наврўз сайилларида шахсий кўргазмаси билан қатнашиб келаётган Лола ҳозирда янгича нақшикор тақинчоқлар устида ишляпти.

Рустам Назарматов олган сурат.

San'at va madaniyat olami

Кексалар — эъзозда

Тошкент Фотосуратлар уйида Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.

Экспозициялардан А.Жумаев, Р.Шагаев, И.Содиқов, В.Шлосберг каби моҳир фоторассомлар билан бирга С.Ўрмонов, А.Абдуллаев, Ж.Норқобилов, Ў.Атоев, Ҳ.Пайдоев, Н.Боймуродова сингари ёш ижодкорларнинг фото ишлари ўрин олган. Суратларда юртимизда табаррук ёшдаги инсонларга ҳурмат кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга доир ибратли ишлар, умрбоқий анъана ва қадриятларимиз акс эттирилган.

«Онажонимиз 100 ёшда!», «Уч аср тенгдоши», «Авлодлар учрашуви», «Сулола», «Аҳил оила», «Уста бобо» сингари саксондан ортиқ асарлар ҳаётийлиги, ёрқинлиги билан томошабинларга манзур бўлди.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми, моҳир ҳайкалтарош Жалолиддин Миртожиев ижодига бағишланган хотира кўргазмаси ташкил этилди.

Хотира
Экспозицияси

Кўргазманинг очилишида рассомлар, ҳайкалтарошлар, халқ амалий санъати усталари, профессор-ўқитувчилар, талабалар, тасвирий санъат ихлосмандлари иштирок этди. Экспозициядан Ж.Миртожиевнинг монументал асарлари акс этган фотосуратлар, ҳайкалтарошлик ишлари ўрин олган.

«Берлин айиқчалари»
ўз эгаларини топди

Германиянинг Берлин шаҳрида 65-халқаро кинофестиваль якунланди. Фестивалнинг бош соврини — «Олтин айиқча»ни эронлик режиссёр Жаъфар Паноҳий «Такси» кинокартинаси учун қўлга киритди.

Фестивалнинг «Кумуш айиқча»си «Клуб» фильмини суратга олган чилилик ижодкорларга насиб этди. Фестиваль асосчиси Альфред Бауэр номидаги мукофот эса гватемалалик Хайро Бустамантга «Иксканул вулкони» фильми учун топширилди. «Энг яхши актёр» ва «Энг яхши актриса» номинацияларида «Қирқ беш йил» кинофильмида суратга тушган Том Кортни ва Шарлотта Рэмплинг голиб бўлди.



Парвина ОМОНОВА тайёрлади.

Mumtoz adabiyot
durdonalariКенгаш, тадбир ва
машварат ҳақида

Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим. (Донишмандлар) демишларким, ўз ўрнида қилган тадбир билан саноксиз лашкар қиличи ожизлик қилган ҳар қандай мамлакат дарвозасини очиб, беҳисоб лашкарни енгиб бўлур. Таҷрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки таҷрибали бир киши минг кишига иш буюради. Мен яна таҷрибамда кўрдимки, ганим лашкарини енгил қўшиннинг кўплиги билан эмас, мағлуб бўлиш эса сипоҳининг камлигидан бўлмайди. Балки голиб бўлмоқлик (тангрининг) мадади ва бандасининг тадбири биландир.

(«Темур тузуқлари»дан)

Tabassum

Танқидчига жавоб

Абдулла Қаҳҳорнинг уйига келган бир танқидчи иши биттач, мезбон билан ташқарига айланиб чиқади. Ҳовлида фарқ пишиб ётган шафтолини кўриб, ҳаваси келади. Илгари бундай навни ростдан ҳам кўрмаган шекилли, қизиқиб сўрайди: — Абдулла ака, бу қандай шафтоли бўлди? Сип-силлиқ, туки ҳам йўқ экан. Мунаққиднинг бу саволига адиб нордонгина жавоб қилади: — Сизни келади деб, атай тукини олиб қўйганмиз-да!

(Шодмон Отабекнинг «Дўрмон ҳангомалари» китобидан)

Ташаққур қилмонидан бир қатъа

Кимки ўзини ўз даражасидан юқори кўтарса, ундай кишига камолот йўли тўсилиб қолади.

Абу Наср Форобий

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани БТИ томонидан «Қоҳ ота» кўчаси 52-хонадон учун Назарова Дилшодахон Очиловна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги маълум қилинади.

Зукко муҳлис
ВикторинасиШахмат бўйича жаҳоннинг
ўн еттинчи чемпиони ким?

Жавобингизни 27 февраль соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади. Саволларга энг кўп тўғри жавоб топган муштарийлар йил якунида қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:
Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асаридан.
Бухоро шаҳридан Мунира Рамазонава,
Вобкент туманидан Сардор Туропов тўғри жавоб йўллади.

МУАССИС

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ
ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам билан
рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998



9 772010 699000

БОШ МУҲАРРИР

Каримов
Фахриддин Турдалиевич

Тахрир ҳайъати

Баҳодир Ганиев, Меҳриддин Шуқуров
(бош муҳаррир ўринбосари —
«Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул
котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина
(бош муҳаррир ўринбосари —
«Молодёжь Узбекистана»), Елена
Калинина (масъул котиб — «Молодёжь
Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи
муҳаррир

Исमतов
Санжар
Иброҳимович

Саҳифаловчи

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табак.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-256.
Адади — 11261

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.50
ЎЗА якуни — 22.40

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5